

ИНГЛИЗ ТИЛИ МАШҒУЛОТЛАРИДА БЎЛҒУСИ МУТАХАССИСЛАРНИНГ КАСБИЙ КОМПЕТЕНЦИЯЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Н.А.Бекмуратова

Қорақалпоқ давлат университети

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10117214>

Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Умар Ҳайём, Муҳаммад ибн Мусо Хоразмий ва бошқа кўплаб маърифатпарвар мутафаккирларимиз ўсиб келаётган авлодга таълим-тарбия беришда ўқитувчининг роли, айниқса тарбиячининг тарбияланувчи билан мулоқотининг аҳамияти муҳимлигини таъкидлаганлар.

Шунингдек эркин, фаол, мустақил фикрлай олиш ҳамда уларни тадбиқ эта олиш кўникмаларини шакллантириш орқали таълим сифатини ошириш муаммоси бугунги кунда мавжуд бўлган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий шароитларда долзарб ҳисобланади. Шу ўринда президентимиз Ш.Мирзиёевнинг “Ёшларимизнинг мустақил фикрлайдиган, юсак интеллектуал ва маънавий салоҳиятга эга бўлиб, дунё миқёсида ўз тенгдошларига ҳеч қайси соҳада бўш келмайдиган инсонлар бўлиб камол топиши, бахтли бўлиши учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини сафарбар этамиз” [1], деган фикрлари қомусий олимларимиз томонидан ишлаб чиқилган мулоқотнинг моҳияти, методлари, шакллари, воситалари ва тамойилларининг ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаганлигини исботи ҳисобланади.

Мактабгача таълим, умумий ўрта таълим, олий таълим ва олий таълимдан кейинги таълим тизимларида коммуникатив компетентлиликни шакллантириш, унинг механизмларини такомиллаштириш ҳозирги куннинг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади. Шу билан бир қаторда коммуникатив компетентлиликни шакллантириш асосида таълимнинг ҳар бир бўғинида ўқитувчиларнинг шахсий ва касбий ижтимоийлашувини таъминлашнинг ижтимоий-педагогик механизмларини такомиллаштириш масаласига ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Айниқса, коммуникатив компетентлиликни шакллантиришнинг лингвистик, социолингвистик ва прагматик компонентларини таълим тизининг мазмунига кенг тадбиқ этиш муҳим аҳамият касб этади.

Айнан шунинг учун ҳам педагоглар тайёрлаш таълим жараёнининг асосий вазифаси бўлажак ўқитувчиларни касбий-педагогик тайёргарлигининг ажралмас қисми бўлган коммуникатив компетентлиликни шакллантириш ва ривожлантиришга қаратилган бўлиши керак.

“Коммуникация” сўзи латинча “communico” сўзидан олинган бўлиб, “боғлалайман, умумий қилайман, муомала қилайман” деган маъноларни англатади. “Коммуникация” сўзи билан ўзакдош бўлган “коммуникабельлик” – “муомала қилишга лаёқати бор” маъносида, “коммуникабель” – “киришимли, дилкаш” маъносини билдиради, шунингдек “коммуникатив” – яъни “коммуникацияга оид” [2].

Т.Шибутани фикрига кўра Коммуникация – бу, биринчи навбатда, фаолият усули бўлиб, у инсонларнинг ўзаро муомалага мослашишини намоён қилади [3]. Демак, коммуникация ўзига хос ўзаро фикр алмашиш жараёни сифатида қабул қилиниши мумкин, бунинг натижасида ўзаро ёрдам кўрсатиш ва мураккабликнинг турли даражаларидаги ҳаракатлар мувофиқлиги таъминланади. Шунингдек,

коммуникацияни мулоқотнинг таркибий қисмларидан бири сифатида белгилаш мумкин.

Е.Н.Зарецкая коммуникатив фаолият маълум тартибда амалга оширилувчи изчил ҳаракатлар тизими бўлиб, уларнинг ҳар бири хусусий вазифаларни ҳал қилишга қаратилган ва муомала мақсади томон қўйилган ўзига хос “қадам” сифатида кўриб чиқирилиши мумкин” [4].

Компетенция (лот.: *competentia* – тегишли, оид, алоқадор, мос, мувофиқ келиш) термини маълум соҳага оид билим, малака ва кўникмалар, тажрибани англатади. *Коммуникатив компетенция*–шахс томонидан тил ва нутқ маданиятини билиш асосида шакллантирилган турли коммуникатив ҳодиса ва вазиятлардаги нутқий ахлоқ тизимидир. “Бу тизим таркибига коммуникатив ролларни (сўзловчи ва тингловчи), шунингдек, ижтимоий ролларни, нутқ стратегия ва тактикаларини, этика ва одоб-ахлоқ қоидаларини эгаллаш киради, уларда ушбу маданиятда қабул қилинган шахснинг турли ижтимоий гуруҳ вакиллари билан ҳар хил сабаб ва вазиятларда алоқада бўлиш усуллари ифодаланади”(Т.В. Матвеева).

Шундай қилиб: “*компетенция*” – ўз ичига шахсга оид ўзаро боғлиқ сифатларнинг барчасини, яъни компетенциялар ва фаолият усуллари қамраб олади, уларнинг предмет ва жараёнларнинг маълум категорияларига алоқаси, инсоннинг уларга нисбатан сифатли ва сермахсул фаолияти учун алоҳида эҳтиёж бор;

- “*компетентлилик*” шахс томонидан ўзига хос компетенцияга эгалик қилиш фаолиятига оид маъноли мулоқотни англатади.

“Компетенция” ва “компетентлилик” тушунчаларини фарқлашда А.В.Хуторскийнинг фикри диққатга сазовор. “*Компетенция*” – предмет ва жараёнларнинг маълум доирасига нисбатан шаклланувчи шахснинг ўзаро боғлиқ бўлган сифатлари (билимлар, қобилиятлар, малака ва кўникмалар, фаолият усуллари) мажмуаси бўлиб, уларга нисбатан сифатли ва самарали таъсир кўрсатиш демакдир. *Компетентлилик* – киши томонидан мос компетенцияга эга бўлишни англатиб, ўз ичига шахснинг унга ва фаолият предметига нисбатан мулоқотини ҳам қамраб олади [5].

Компетентлик тушунчаси таълим соҳасига психологик изланишлар натижасида кириб келган бўлиб ноанъанавий вазиятлар, кутилмаган ҳолларда мутахассиснинг ўзини қандай тутиши, мулоқотга киришиши, рақиблар билан ўзаро муносабатларда янги йўл тутиши, ноаниқ вазифаларни бажаришда, зиддиятларга тўла маълумотлардан фойдаланишда, изчил ривожланиб боровчи ва мураккаб жараёнларда ҳаракатланиш режасига эгаликни англатади.

Коммуникатив компетентлик касбий компетентлик негизида акс этувчи сифатлардан бири бўлиб, у мураккаб жараёнларда, ноаниқ вазифаларни бажаришда командаларда ишлаш стратегияларини танлаш ҳамда мутлоқ янги маълумотларни чет тилларида ўзлаштиришда бир-бирини тўлиқтиришларида намаён бўлади.

Юқорида келтирилган фикрларнинг таҳлилидан кўринадики, “компетентлилик” психология ва педагогикага оид адабиётларда профессионал фаолиятнинг маълум турлари билан боғлиқ сифатларга эга бўлишни билдиради.

References:

1. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – 146 б.
2. Гойхман О.Я., Надеина Т.М. Речевая коммуникация: учебник. - М.: ИНФРА-М, 2001.– 272 с.
3. Шибутани Т. Социальная психология.- Ростов н/Д:Феникс, 1999.–539 с.
4. Зарецкая Е.Н. Риторика: теория и практика речевой коммуникации. - М.: Дело, 2001. – 477 с.
5. Хуторской А.В. Дидактическая эвристика. Теория и технология креативного обучения – М.: Изд-во МГУ, 2003. – С. 60-109.

